

Малайзия ҳалол туризм бўйича етакчилик қилмоқда



17:11 / 14.06.2025 1024

Малайзия 2025 йилда мусулмонлар учун қулай саёҳат йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи давлати сифатида эътироф этилди. Бу ҳақда theislamicinformation.com сайти хабар берди.

CrescentRating Global Muslim Travel Index (GMTI) ҳисоботида кўра, Малайзия мусулмон сайёҳлар учун энг қулай ва дўстона муҳит ярата олган давлат сифатида биринчи ўринни эгаллади.

Сингапурда бўлиб ўтган «4-Halal in Travel» маросимида ғолиб эълон қилиниб, мукофот топширилди. Маросимда Малайзия давлати номидан Туризм, санъат ва маданият вазири ўринбосари Хайрул Фирдаус Акбар Хон иштирок этди.

У ўз нутқида Малайзиянинг муваффақиятини таъминлашда давлат органлари, хусусий сектор ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг ҳамкорлигини юқори баҳолади.

Шунингдек, CrescentRating ва Mastercard компанияларига ҳалол туризмни тарғиб қилишда кўрсатаётган ёрдами учун ташаккур билдирди.

Бу эътироф Малайзиянинг ҳалол озиқ-овқат маҳсулотлари, ибодат жойлари, исломий қоидаларга мос меҳмонхоналар, инфратузилмалар каби бир қатор муҳим омиллар асосида берилди.

Малайзия бу рейтингда йиллар давомида юқори ўринларни эгаллаб келган бўлса-да, 2025 йилда яна етакчиликка қайтди. Саудия Арабистони, Туркия ва Индонезия каби давлатлар ҳам юқори поғоналардан жой олган.